

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ДАМИНОВ ФЕРУЗ АСАДУЛЛАЕВИЧ**

**КУЙГАНЛАРДА ОШҚОЗОН-ИЧАК ТРАКТИДАГИ ЎТКИР ЭРОЗИВ-  
ЯРАЛИ ЖАРОҲАТЛАР ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОСИНИ  
ОПТИМИЗАЦИЯЛАШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)**

**Даминов Феруз Асадуллаевич**

Куйганларда ошқозон-ичак трактидаги ўткир эрозив-ярали жароҳатлар  
диагностикаси ва давосини оптималлаштириш ..... 5

**Даминов Феруз Асадуллаевич**

Оптимизация диагностики и лечения острых эрозивно-язвенных поражений  
желудочно-кишечного тракта у ..... 21

**Daminov Feruz Asadullaevich**

Optimization of diagnosis and treatment of acute erosive and ulcerative lesions of  
the gastrointestinal tract in burned..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ДАМИНОВ ФЕРУЗ АСАДУЛЛАЕВИЧ**

**КУЙГАНЛАРДА ОШҚОЗОН-ИЧАК ТРАКТИДАГИ ЎТКИР ЭРОЗИВ-  
ЯРАЛИ ЖАРОҲАТЛАР ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОСИНИ  
ОПТИМИЗАЦИЯЛАШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1060 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Карабаев Худойберди**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хамдамов Бахтиёр Зарипович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Шестопалов Сергей Степанович**  
тиббиёт фанлари доктори  
(Россия Федерацияси)

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc/PhD.04/30.12.1219.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50, e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200100, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси 1-уй.

Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Ш.Иноятов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Н.Ачилова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Н.А.Нуралиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра «...жароҳатланишларнинг умумий структурасида куйишлар – 7,8% ни ташкил қилади. Охириги йилларда термоингалацион жароҳат, ёниш маҳсулотларидан заҳарланиш, механик жароҳат ва бошқалар билан қўшилиб катта майдонли чуқур куйишлардан жабрланганлар сонининг сезиларли даражада ўсиши қайд этилди...»<sup>1</sup>. Куйган беморларни даволашда ўлим кўрсаткичи охириги 5-7 йилларда бир хил даражада ўзгармай сақланиб турибди ва реанимацион бўлимлар учун 25,4-29,3%ни куйиш бўлимлари учун эса 2,7-7% ташкил қилади. Куйишлардан даволанган беморлар орасида умумий ўлим 4,4-10% гача етади. Куйишларда ошқозон-ичак тракти шиллиқ қавати зарарланишини эрта аниқлаш, уларни анъанавий функционал усуллар билан бирга эрта жарроҳлик даволаш усулларни қўллаш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда куйишлардан кейин келиб чиқадиган ошқозон-ичак эрозив яраларида ошқозон шиллиқ қавати ўзгаришларининг клиник-диагностик асослари ва уларни даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда, куйишлар сабабли ривожланган ошқозон эрозив яраларида беморларда ошқозоннинг клиник-функционал хусусиятларини баҳолаш; беморларда эндоскопик усулларни қўллаган ҳолда ошқозон-ичак тракти шиллиқ қаватида кечадиган жараёнларни баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шулар билан бир қаторда ошқозон-ичак эрозив яраларида шиллиқ қаватини визуал баҳолаш усулларини такомиллаштириш, касаллик этиопатогенезининг янги жиҳатлари ва таққослама - ташхислаш белгиларини очиб бериш, ҳамда патогенетик йўналтирилган даволаш услубларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизматни жаҳон талабларига мослаштириш, жумладан комбустиологик беморларда ошқозон шиллиқ қавати эрозив яраларини эрта ташхислаш орқали унинг асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда куйиш касаллигида ошқозон-ичак трактидаги

<sup>1</sup>Фаязов А.Д., Камилов У.Р., Шукуров С.И., Абдуллаев У.Х. К проблеме лечения обожженных с комбинированными и сочетанными поражениями // Сб. научных трудов IV съезда комбустиологов России. Москва, 2013. – с. 37-38.

<sup>2</sup>Хаджибаев А.М., Шукуров Б.И. Служба экстренной медицинской помощи в Республике Узбекистан: достижения и пути развития // Мат. IV съезда ассоциации врачей экстренной медицинской помощи Узбекистана. Ташкент, 2018. С. 3-5.

Ўзгаришларни ташхислаш ва самарали даволаш тартибини такомиллаштириш ҳамда ногиронлик ва салбий оқибатларга олиб келувчи сабабларини камайтириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Замонавий жаҳон адабиётида ошқозон-ичак тракти шиллиқ парданинг ўткир эрозив-яралли зарарланишлари ва улар билан боғлиқ асоратлар пайдо бўлиш даражаси тўғрисида маълумотлар бир-бирини инкор қилади (Эргашев О.Н. ва ҳаммуал., 2012; Жилинский Е.В. ва ҳаммуал., 2014; Heidelbaugh J.J. et al., 2012).

Куйишлардан жабрланганларда куйиш касаллигининг турли даврларида эрозив-яралли зарарланишлар пайдо бўлиш даражаси тўғрисида маълумотлар деярли йўқ (Спиридонова Т.Г., 2007). Бу категорияга мансуб беморларда ошқозон-ичак тракти юқори қисмлари шиллиқ пардасининг визуал ўзгаришлари тўғрисида маълумотлар етарли эмас, ривожланиш динамикаси эса кам ўрганилган (Вагнер Д.О. ва ҳаммуал., 2015). Шунинг билан бирга кислота ишлаб чиқариш функция динамикаси етарлича ўрганилмаган, ошқозоннинг ишқорловчи функцияси тўғрисида маълумотлар эса мавжуд эмас. Кислоталик омилининг шиллиқ пардада патологик ўзгаришлар ва уларнинг асоратлари пайдо бўлишига таъсири кўпчилик муаллифлар томонидан гумон қилинади (Булгаков С.А., 2012; Баринов Э.Ф. ва ҳаммуал., 2014). Юқоридагиларни инобатга олиб, бу йўналишда тадқиқотларни ўтказиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланган.

Ҳозирги кунда ўта оғир ҳолатдаги беморларда эрозив-яралли жараён ривожланишини олдини олишга имкон берадиган кислоталик даражаси тўғрисида ягона фикр мавжуд эмас. Айрим муаллифлар, гастродуоденал қон кетишнинг хавф факторлари таъсири тугашигача ошқозон танаси ва гумбазида рНнинг энг паст кўрсаткичи 4,0 дан паст бўлмаслиги лозим деб ҳисоблайдилар (Карабаев Х.К., 2010).

Чуқур куйиш жароҳатларини жарроҳлик даволаш тактикаси гастродуоденал қон кетишлари ривожланишининг учраш даражасига таъсири

деярли ўрганилмаган. Ҳамда ўта оғир ҳолатда бўлган беморлар учун исботланган қон кетишларининг хавф омиллари оғир куйганлар учун қанчалик информатив бўлиши бўйича савол туғилади. Комбустиологлар орасида ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак зарарланишининг реал хавфи пайдо бўлишига олиб келадиган куйишнинг минимал майдони ва чуқурлиги ва улар профилактикасини ўтказишга важлар тўғрисида ягона фикр мавжуд эмас (Темиров Ф.О., 2011).

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №012000260 «Юқумли ва юқумли бўлмаган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган инсон организми касалликларининг олдини олиш, ташҳис қўйиш ва даволаш бўйича илғор технологияларни ишлаб чиқиш» илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** оғир куйган беморларда ошқозон-ичак тракти ўткир эрозив-яралли зарарланишларни диагностика ва даволашни такомиллаштириш ва комплекс профилактика алгоритми бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

оғир куйганларда зарарланиш майдони ва чуқурлиги билан боғлиқ ошқозон-ичак тракти эрозив-яралли зарарланишларининг хавфи ва ривожланиш омилларини аниқлаш.

оғир куйганларда ошқозон-ичак тракти шиллиқ пардасининг ўзгариш динамикасини ўрганиш ҳамда эрта хирургик даволашнинг гастродуоденал яралар ривожланиш частотасига таъсирини баҳолаш.

оғир куйганларда ичак етишмовчилиги синдроми ва қорин ичи босими ривожланишининг учраш частотасини аниқлаш ҳамда профилактикаси ва даволашни оптималлаштириш.

олинган клиник-эндоскопик маълумотлар асосида ошқозон-ичак тракти эрозив-яралли зарарланишлар ва ичак етишмовчилиги синдромида хирургик тактика ва комплекс медикаментоз-нутрицион кўмакли алгоритмларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2013-2019 йилларда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали комбустиология бўлимида чуқур куйишлар билан даволанган жами 204 нафар шундан, асосий гуруҳда 103 нафар беморлар, назорат гуруҳ 101 нафар бемор олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** периферик қон, қон зардоби ва ошқозон шираси, биокимёвий жараёнлар ташкил қилади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда умумклиник, қорин ички босимини ўлчашда интровезикал тензометрия, Франк прогностик индекси, рентген, УТТ, ЭГДФС, биокимёвий, статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

куйиш касаллигида ошқозон-ичак шиллиқ пардасида стрессли яралар ва эрозиялар ривожланишининг умумий куйиш майдонининг тана юзасини 20%

дан ортиши ўртасидаги муҳим боғлиқлик исботланган. Кечиктирилган жарроҳлик муолажаси куйишдан жабрланганларда гастродуоденал қон кетиш учун муҳим хавф омиллари эканлиги аниқланган;

куйиш касаллигида ошқозон-ичак шиллиқ пардаси эрозив-яралари зарарланишларида эрта жарроҳлик амалиётини қўллаш негизида қон кетиши каби асоратларнинг сезиларли пасайиши исботланган;

куйиш касаллигида ошқозон-ичак шиллиқ пардасининг эрозив-яралари зарарланишларида фаол жарроҳлик, нутритив ва органопротекторли давони ўз ичига олган комплекс даволашнинг юқори самарадорлиги исботланган;

оғир куйган беморларда антисекретор терапия мақсадида тавсия этилган H2-блокаторларига қараганда, протон помпа ингибиторларининг даволаш самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

катта майдонли куйишлар билан беморларда стрессли яралар профилактикаси алгоритми ишлаб чиқилган;

куйганларда ошқозон-ичак шиллиқ пардасининг эрозив-яралари зарарланиши олдини олиш учун комплекс давони қўллаш самарадорлиги баҳоланган;

оғир куйганларни даволаш самарасини углеводлар ва ёғлар миқдори паст ва оксил миқдори эса юқори нутритив кўмак ҳамда аминокислотали препаратларни қўллаш тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг ўзаро бир-бирини тўлдирадиган клиник, биокимёвий, инструментал усуллар асосида куйишларда ошқозон-ичак тракти яралари-эрозив зарарланишининг клиник – биокимёвий хусусиятлари статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларни қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оғир куйганлар орасидан ошқозон-ичакдан қон кетишлари ривожланиши бўйича хавф гуруҳини ажратиб олишга ва профилактик антисекретор терапияни ўтказиш учун кўрсаткичларни аниқроқ қилишга имкон бериши, ошқозон-ичак тракти эрозив-яралари зарарланишлари, шу жумладан гастродуоденал қон кетиши ривожланиши хавфи умумий куйиш майдони катталари билан, айниқса майдон 30% дан зиёд бўлганда ошиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти оғир термик зарарланиш билан жабрланганларда гастродуоденал қон кетишлари патогенезини ўрганиш ошқозон-ичак ва ўн икки бармоқ ичакнинг шиллиқ пардаси эрозив-

яралли зарарланишлари ривожланиш механизмида сезиларли қон айланиши бузилишларидан келиб чиққан шиллиқ пардаси ишемияси асосий ролни ўйнашини аниқлашга имкон берди ҳамда чуқур куйишларни эрта хирургик даволаш гастродуоденал қон кетишлари ривожланишининг учраш даражасини пасайтиришга (31,68% дан 28,15% гача) ва оғир термик жароҳат билан жабрланганлар орасида ўлим кўрсаткичи эҳтимолини камайтириши (7,92 дан 2,9% гача) билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Куйишларда ошқозон-ичак тракти ўткир эрозив-яралли зарарланишлар диагностикаси ва даволашни такомиллаштиришни баҳолаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

куйишларда беморларда ошқозон-ичак тракти ўткир эрозив-яралли зарарланишларни вақтида аниқлаш, ошқозон-ичак трактининг функционал ҳолатини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида “Оғир куйган беморларда ошқозон ичак тракти функцияси бузилиши диагностикаси ва даволашни оптималлаштириш” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-р/211-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома куйган беморларда ошқозон-ичак тракти функцияси бўзилиши ва унинг оқибатида келиб чиқадиган асоратлари олдини олиш орқали куйиш касаллиги даволаш натижаларини яхшилаш имконини берган;

куйганларда ошқозон-ичак тракти ўткир эрозив-яралли зарарланишлари клиник-диагностик асослари ва уларни даволашни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд давлат тиббиёт институти 1-клиникаси, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё ва Жиззах филиаллари клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 апрел 8н-з/87-сон маълумотномаси). Олинган натижалар оғир куйганларда ошқозон-ичак қон кетишлари диагностикаси, даволаш ва профилактикасини оптималлаштиришга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та, жумладан 7 та республика ва 3 та хориж журналларида мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 119 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга бўлган талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари,

тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларни Республика фан ва технология устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **«Оғир куйган беморларда ошқозон-ичак тракти эрозив-яралли зарарланишлари ва қон кетишларига замонавий қарашлар»** термик шикастланишларда ошқозон-ичак тракти (ОИТ) эрозив-яралли зарарланишларининг учраши даражаси ва патогенези, гастродуоденал қон кетишлари ривожланиши хавф омиллари ва учраш даражаси, оғир куйганларда қорин ичи гипертензияси ва абдоминал компартмент-синдроми, оғир куйган беморларда ошқозон-ичак трактининг эрозив-яралли зарарланишларини даволаш ва профилактикаси учун консерватив терапияси ва оғир куйганларда гастродуоденал қон кетишлари профилактикасида жарроҳлик даволашнинг роли ва ўрнини таснифлаш масалалари келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Материалнинг клиник таснифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари»** РШТЎИМ Самарқанд филиали комбустиология бўлимида 204 нафар чуқур куйишлар билан 2013 йилдан 2019 йилгача беморларнинг даволаш натижалари таҳлили ўрганилган.

Назорат гуруҳи беморларида (101 бемор) стресс яралари ва уларнинг асоратлари, уларнинг ривожланиш хавфи омилларини, куйиш жароҳатларини хирургик даволашда турли ёндашишлар таъсирини «ҳодиса-назорат» типи бўйича аналитик обсервацион текшириш олиб борилган ва гастродуоденал қон кетишини олдини олиш учун қўлланиладиган антисекретор дорилар самарадорлигининг қиёсий таҳлили ўрганилган.

Асосий гуруҳ беморларини (103 бемор) текширишда стресс яралари диагностикаси ва даволаш, куйиш касаллигида ичак етишмовчилиги синдроми, дисбактериоз коррекцияси аҳамияти ва куйиш касаллигида бу асоратини олдини олиш бўйича профилактик алгоритми ишлаб чиқилган.

Назорат гуруҳига кирган 101 нафар жабрланганлар орасида 61 нафари (60,40%) эркак ва 40 нафари (39,60%) аёллар бўлган. Мазкур гуруҳга кирган жабрланганларнинг ёши 18 дан 75 гача ( $52,54 \pm 16,5$ ) ташкил қилган. Тери қопламасининг зарарланишининг умумий майдони ўртача  $35,5 \pm 5,8\%$  ни, чуқур куйиш майдони эса  $19,3 \pm 5,7\%$  ташкил этган.

Асосий гуруҳнинг 103 нафар беморлари орасида 65 нафари (63,11%) эркаклар ва 38 нафари (36,89%) аёллар бўлиб, шикастланганларнинг ёши 18 дан 74 гача, ўртача ёш кўрсаткичи эса  $53,1 \pm 15,9$  ёшни ташкил қилган. Тери қопламасининг умумий термик зарарланиши, назорат гуруҳидагидек куйиш жароҳати анча оғир эканлигидан далолат берган ва тана юзасининг  $36,7 \pm 7,7\%$  ини эгаллаган. Бу гуруҳдаги жабрланганлар орасида термик зарарланишнинг интегралли кўрсаткичлари қиймати ҳам таққосланадиган бўлган (1-жадвал).

## Беморлар жинси ва ёши бўйича тақсимланиши

Беморлар ёши	I-гурух				II-гурух			
	эркаклар		аёллар		эркаклар		аёллар	
	мут.	%	мут.	%	мут.	%	мут.	%
18-30	5	5,0±2,2	4	4,0±2,0	4	3,88±1,9	3	2,9±1,7
31-40	17	16,8±3,7	11	10,9±3,1	16	15,53±3,6	14	13,6±3,4
41-60	29	28,7±4,5	20	19,8±4,0	33	32,04±4,6	18	17,5±3,8
61-70	7	6,9±2,5	5	5,0±2,2	9	8,74±2,8	2	1,9±1,4
до 75	3	3,0±1,7	-	-	3	2,91±1,7	1	1,0±1,0
Жами:	61	60,4±4,9	40	39,6±4,9	65	63,1±4,8	38	36,9±4,8
Ҳаммаси:	101 (49,5±3,5%)				103 (50,5±3,5%)			

Куйганларнинг деярли ярми (109; 53,43%) термик шикастни олгандан сўнг РШТЁИМ Самарқанд филиали комбустиология бўлимига биринчи 6 соатларда қабул қилинган. Беморларнинг кечиктирилиб келтирилиши (95; 46,57%) яқин жойлашган туманлардан бирламчи тиббий ёрдам кўрсатилгандан сўнг қайд этилган.

Зарарланганларда (204) термик шикаст содир бўлиш жиҳатларини ўрганишда 155 ҳолатларда куйишга этиологик омил сифатида очиқ аланга сабаб бўлгани аниқланган (I гуруҳда 75, II гуруҳда 80), 21 ҳолатда – қайноқ сув (I гуруҳда 11, II гуруҳда 10), қолган 28 нафар жабрланганларда эса куйиш сабаблари куйидагича бўлган: иссиқ озиқ-овқат, (17 ҳол.) (I гуруҳда 10, II гуруҳда – 7), битум (2 ҳол.) (в I гуруҳда 1, II гуруҳда 1), ҳамда электрик (4 ҳол.) (I гуруҳда 2, II гуруҳда 2), ва контактли зарарланиш (5 ҳол.) (I гуруҳда 2, II гуруҳда 3). Шундай қилиб, тадқиқотнинг асосий ва назорат гуруҳларида термик шикастнинг этиологик структураларида аҳамиятли фарқлар кузатилмаган.

Энг кўп куйишлар тана ва оёқлар соҳаларида (36,76% бемор), бош ва қўл-оёқларда (31,86%) жойлашган. Тери куйиши билан бирга бўлган ингаляцион шикаст 23 беморда (11,27%) кузатилган. Одатда уларда куйиш шоки оғир кечган.

Куйиш жароҳатларнинг майдони «тўққизликлар» қоидаси (A.B.Wallace, 1951) ва «кафт» қоидасига мувофиқ аниқланган.

Куйиш шикасти оғирлигини тавсифлайдиган ва шартли бирликларда аниқланадиган Франкнинг прогностик индексига (ФИ) биноан (I-II-III даражали (дар.) юзаки куйишнинг 1%и 1 бирлик (бирл.) сифатида қабул қилинади, III-IV дар. чуқур куйишнинг 1%и 3 бирликка тенг) ва термоингаляцион жароҳатнинг (ТИЖ) оғирлик даражасини ҳисобга олиб I даражали ТИЖда кўшимча 15 бирл., II даражали ТИЖда – 30 бирл. III

даражали ТИЖда – 45 бирл. қўшилди) беморлар 3 гуруҳга тақсимланди: I гуруҳ – ФИ 30-70 бирл. – 101 (49,51%), II гуруҳ – ФИ 71-130 бирл. – 91 (44,61%) ва III гуруҳ – ФИ > 130 бирл. – 12 (5,88%).

Шундай қилиб, асосий гуруҳга кирган жабрланганлар назорат гуруҳи беморлари билан жинси, ёши, тери қопламаси куйиш майдони ва термик шикаст бўйича тенг бўлган. Бундан ташқари таҳлил қилинаётган гуруҳлар орасида куйишга ҳамроҳ бўлувчи патологиянинг учраш даражасида ҳам аҳамиятга молик фарқлар аниқланмаган.

Барча жабрланганлар келтирилганда, шокка қарши палатада навбатчи комбустиолог томонидан кўздан кечирилиб, стандарт физикал текширишлар (пульс, артериал босим, тана ҳарорати баҳоланиши) ўтказилди, зарарланишнинг оғирлик индекси (Франк индекси) аниқланди. Йиғилган анамнез маълумотлари ва илова ҳужжатлар асосида госпитализациягача бўлган давр муддати аниқланди. Инфузион терапияни ўтказиш мақсадида марказий веналардан биттасида катетеризация бажарилди. Ўтказилаётган терапиянинг самарасини назорат қилиш учун сийдик катетери ва назогастрал зонд ўрнатилди.

Шокка қарши палатада текшириш вақтида турли лаборатор текширишларни ўтказиш учун барча шикастланганлардан қон, сийдик, нажас наъмуналари олинган. Текширишларнинг албатта бажарилиши лозим бўлган ҳажмига қоннинг клиник ва биокимёвий таҳлили, қон гуруҳи, сийдикнинг умумий таҳлили киритилган.

Биз томондан анамнезида овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари бўлмаган 64 нафар куйганлар ошқозонининг пепсин ишлаб чиқариш функцияси Туголуков В.Н. (1965) усули бўйича динамикада (132 марта) текширилган. Ҳамда оғир куйганларда Ичак етишмовчилик синдроми (ИЕС) ривожланишининг учраш даражаси ва қорин ичи босими кўтарилиши ҳолатлари ўрганилган.

Ўтказилган тадқиқотларда текширишлар ва 15-45% тана юзаси куйган 57 нафар беморни даволаш натижалари таҳлил қилинган. Бу беморларда қорин ичи босими шикастланишдан сўнг биринчи етти кун мобайнида ҳар куни Kron J.L. et.al. (1984) таклиф этган билвосита усул ёрдамида ўлчанган.

Катта майдонли куйишлар билан беморларда қорин ичи босими кўтарилишининг асосий сабабларига: капиллярлардан сизиб чиқиш синдроми билан кечадиган массив инфузион терапия, ошқозон парези ва куйиш шоки шароитида ичакларнинг ҳаддан зиёд пневматизацияси ҳамда қорин эластиклигини кучли пасайтирадиган олдинги девори куйишлари киради.

103 нафар беморла (асосий гуруҳ) ичак етишмовчилиги синдромининг клиник-лаборатор маълумотлари: дисбактериоз, фекалий намуналари ва йўғон ичак шиллик пардасидан ювма суюқлиги бўйича ўрганилган.

Куйганлар фекалийсида қон мавжудлигини аниқлаш қон кетиши билан мураккаблашган стрессли яралар диагностикасида катта рол ўйнаши мумкин. Греггерсеннинг (J.P.Gregersen) бензидинли реакцияси жуда сезгир бўлиб, 2-5 мл ҳажмда қон кетишида ҳам ижобий реакция берган. Аммо беморни дастлаб

тайёрлаш лозим бўлади. Шок босқичида бўлган ва ўткир куйиш токсемияси ривожланган 47 нафар куйган беморларда 112 марта Грегерсеннинг (Gregersen J.P.) бензидинли реакцияси ўтказилган.

Вебер – Ван Деен реакцияси 30-50 мл ҳажмда қон кетишларида ижобий реакция берган ва у беморлардан махсус тайёргарликни талаб этмайди. Чуқур куйишлар билан 73 нафар оғир куйганларда касаллик динамикасида Вебер – Ван Деен реакцияси ёрдамида 105 марта нажас таҳлили ўтказилган.

Ярадаги гемостаз ҳолати Forrest J.A. (1987) таснифига мувофиқ тавсифланади.

ГДҚК шароитида ривожланган қон йўқолиши оғирлиги Горбашко А.И. таснифига мувофиқ, лаборатор, клиник ва инструментал маълумотлар асосида баҳоланган.


Cook D.J. ва ҳаммуал. (1994) таснифига мувофиқ яширин (ЯҚ), аниқ (АҚК) ва гемодинамик аҳамиятли қон кетишлар (ГАҚК) ажратилган.

Инструментал текширишлар бажарилиши шарт бўлган ҳажмига кўкрак қафаси аъзолари рентгенографияси ва электрокардиография кирган. Бундан ташқари тегишли анамнез (тутунга тўлган хонада бўлиш) ва шикоятлар (қийин нафас олиниши, йўтал, томоқ қирилиши) билан жабрланганларда нафас олиш йўлларидаги куйишлар оғирлигини баҳолаш учун диагностик фибробронхоскопия бажарилган.

Эзофагогастроуденофиброскопия (ЭГДФС), ацидометрия ва морфологик текшириш учун биопсик материални олиш ишлари превентив динамикада 1-, 3-, 7-, 14- ва 21-кунларда, керак бўлганда эса кечроқ муддатларда ҳам бажарилган.

Эндоскопик девор олди рН-метрия АГМИ-01 (НИИ «Исток», Фрязино ш.) қурилмаси ёрдамида бажарилган. Эндоскопик девор ёни рН-метрияни бажариш учун тери усти таққословчи хлоркумушли электрод ва RJ-45 русумли бўлинмага эга бирламчи гастроэнтерологик (Г1-Д-Э) ўзгартиргич қўлланган. Қайд этувчи блок сифатида ЗАО НПП «Исток-система» томонидан ишлаб чиқилган, кўтариб юришга мўлжалланган Гастроскан-ГЭМ компьютерли гастроэнтеромонитор қўлланган.

Текширишлар мобайнида рН-метрияни бажариш учун тавсия этилган еттита стандарт нуқталар қўлланган: 1 – «кўлча», 2 – ошқозон гумбази, 3 – ошқозон танасининг орт деворининг ўрта қисми, 4 – ошқозон танасининг олд деворининг ўрта қисми, 5 – антрал бўлинманинг кичик эгрилиги, 6 – антрал бўлинманинг катта эгрилиги, 7 – ЎБИ пиёзчасининг олд девори (1-расм).



**1-расм. рН-метрия учун стандарт нуқталар жойлашиши**

Олинган рН қийматлари баҳоланиши функционал ҳудудлар зоналар: кислота ҳосили бўлиш ҳудуд зона ва ишқорли секрет ишлаб чиқариладиган ҳудуд зона бўйича амалга оширилган. Кислота ҳосил бўлиш фаоллиги ошқозон танаси ва гумбази соҳасида рН фаоллиги  $> 5,0$  бўлганда – анацидли, рН 2,0-5,0 бўлганда – гипоацидли, рН 1,2-2,0 бўлганда – нормаацидли ва рН 1,2 дан паст бўлганда – гиперацидли бўлиб баҳоланган.


Бизлар ўтказган тадқиқотлар жараёнида 57 нафар оғир куйганларда қорин ичи босимини ўлчаш натижалари таҳлил қилинган.

Оғир куйганларни комплекс даволаш шокка қарши тадбирлар ва инфузион-трансфузион терапиядан ташқари ўз ичига яллиғланишга қарши, антигистаминли, антикоагулянт, гемостатик, антисекретор, метаболик, симптоматик терапияларни ва нутрицион кўмакни олган. Чуқур куйишлар билан беморларни хирургик даволаш ишлари термик зарарланган тўқималарни йўқ қилиш ва тери қопламасини шикаст олингандан сўнг максимал эртанги муддатларда тиклашга йўналтирилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Назорат гуруҳи беморлари диагностикаси ва даволаш натижалари таҳлили**» оғир куйган беморларда стресс яралари диагностикаси ва асоратларини ўрганишга бағишланган.

РШТЎИМ Самарқанд филиалида 2013 дан 2015 йй гача бўлган даврда ўтказилган тадқиқотларда назорат гуруҳи беморларида госпитализация қилинган пайтдан бошлаб оғир куйган 101 беморларнинг 41 тасида (40,59%) стресс яраси аниқланган (2-расм).


Барча беморлар икки киччик гуруҳга бўлинган. Биринчи киччик гуруҳ беморларга (73 бемор) шок билан келтирилган пайтдан бошлаб гистаминнинг  $H_2$ -рецепторлари блокаторлари кунига 20 мг дан бир кунга 1-2 марта - 7-10 кун, баъзан 20 кунгача – вена ичига юбориб турилган. Септикотоксемия босқичида: тунда ва эрталаб 20-30 мгдан 24-30 кун давомида *per os* киритилган. Таққослаш гуруҳини (28 бемор) ўхшаш термик шикастланишлари бўлган ва турли сабабларга кўра  $H_2$  рецепторлари блокаторларини қабул қилмаган куйганлар ташкил қилди. Улардан айримлари антацидларни (натрий бикарбонати, кальций карбонати), гастропротекторларни (сукральфат ёки алюминий сахарозосульфати) қабул қилган.



**2-расм. Гастродуоденал стресс яраларнинг ривожланиш муддатлари**

2-расмдан кўриниб турибдики, 28 нафарда (68,29%) аниқланган стресс яраларининг кўпчилиги жароҳат олингандан кейинги дастлабки ҳафталарда ривожланган.

Ўрганилган 32 беморнинг 29 нафарда (90,6%) қон кетиши аломатлари қонли қайт этиш (гематамесис), 3 нафарда (9,4%) эса мелена кўринишида бўлган (3-расм, 4-расм).




### 3-расм. Стресс яраларидан гастродуоденал қон кетишларининг ривожланиш муддатлари


Биринчи кичик гуруҳдаги беморларда ( $n=73$ ) гистамин  $H_2$ -рецепторлари блокаторлари (ранитидин, гистодил, квамател) билан 2-3 кунлик даволанишдан сўнг эпигастрал соҳадаги оғриқ, ошқозон ҳудудида ноқулайлик сезиларли даражада камайди, жиғилдон қайнаши, кекиришлар деярли йўқолган, ОИТнинг кучсиз парези кузатилган (4-расм). Диаметри 1 мм гача бўлган эрозиялар ўртача 8-10 кун ичида даволанган. Ўткир яралардан қон кетиши 8 нафар (73 нафардан) беморда (10,95%) аниқланган, қайсики эндоскопик терапиядан сўнг тўхтаган. Битта беморда иккинчи кунда рецидив пайдо бўлган.

Таққослаш гуруҳидаги беморларда ( $n=28$ ) оғриқ синдроми, ошқозон соҳасида ноқулайлик, кекиришлар 7-10 кунлар давомида сақланиб қолди, баъзиларида истеъмом қилинган овқатни қайт қилди. 21 (28 нафардан) беморда ГДҚК аниқланди, улар эндоскопик усулда тўхтатилди, аммо уч ҳолатда рецидивлар юз берди.

Назорат гуруҳидаги беморларда диагностик ЭГДФС натижаларига кўра 9 нафар (8,91%) жабрланганда ОИТнинг юқори бўлинмалари шиллик пардасида эрозив ўзгаришлар, 12 нафар (26,73%) беморларда эса ярали нуқсонлар аниқланди. Бундан ташқари, оғир қуйган 41 беморнинг 5 нафарда (4,95%) шиллик парда эрозиялари ва ўткир яралар бир вақтда бўлиши аниқланди. Эрозив зарарланиш локализацияси барабар даражада қизилўнгач ва ошқозонга хос бўлиб, кам ҳолатларда ўн икки бармоқ ичакда эрозиялар аниқланди (5-расм).




4-расм. Оғриқ синдромининг йўқолиши




5-расм. Шиллиқ парданинг эрозив зарарланишлари локализацияси

Барча ҳолатларда эрозив ўзгаришлар кўп сонли бўлган. Патологик жараён қизилўнгачда жойлашганда эрозиялар асосан пастки учдан бир қисмида аниқланган. Эрозив ўзгаришлар ошқозонда жойлашганда зарарланишлар кўпинча танасида ва гумбазида учрайган. Эрозиядан фарқли ўлароқ, яралар локализацияси ошқозонга қараганда кўпроқ ўн икки бармоқ ичак учун хос бўлди. Шунинг билан бирга, қизилўнгачда яралар нуксонлар топилмаган (6-расм).



6-расм. Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яралар зарарланишлари локализацияси

Ошқозондаги ярали нуқсонлар одатда кўп сонли бўлиб (3.9-расм) кўпинча танасида (31%) ва антрал қисмида (44,8%), камроқ даражада гумбазида (24,2%) аниқланган. Ўн икки бармоқ ичак пиёзча қисми ярали жараёни кўпинча олдинги (68%), камроқ - орқа деворида (26%) жойлашган бўлиб, ўн икки бармоқ ичак пиёзча қисмидан кейинги соҳа ярали зарарланишлари жуда кам ҳолатларда (6%) аниқланган.



**7-расм. Бемор А.С., 56 ёшда. Ташхис: куйишнинг умумий майдони 35%, шундан 20%и чуқур. Куйишдан 5 кун ўтган. Ошқозон антрал қисмининг кўп сонли яралари.**

Тадқиқотнинг назорат гуруҳига киритилган 101 жабрланган орасида 28 нафар бемор фаол кутиш тактикаси доирасида даволанди ва оғир куйган 73 нафар бемор эрта жарроҳлик даволаш тизимида мувофиқ даволанган. Декомпрессион некротомия ва кесмаларни бажариш техникасига кўрсатмалар тадқиқот давомида ўзгармаган.

101 нафар бемордан ўлим 8 (7,92%) нафар: I гуруҳдан 5 (17,85%) ва II гуруҳдан 3 (2,9%).

Стационарда ётиш давомийлиги I гуруҳда  $41,2 \pm 0,8$  ўрин-кунни, II гуруҳда  $33,3 \pm 1,0$  ўрин кунни ташкил қилган ( $p < 0,05$ ).

Диссертациянинг тўртинчи бобида «**Асосий гуруҳ беморларининг диагностика ва даволаш натижалари таҳлили**» келтирилган.

103 нафар беморлардан 91 (88,34%) нафарида - 79 (76,69%) кишида превентив ва 12 нафарида (11,65%) шошилиш эндоскопик текширишлар бажарилганда гастродуоденал қон кетиш (ГДҚК) белгилари аниқланган. ГДҚК билан беморларда қўзғалиш (1 та), тормозланиш (3 та), чанқоқ ёки очлик ҳисси (5 та) да кузатилган. Барчасида (12 бемор) тахикардия (115-120 дақиқа), гипотония (7 бемор) (100-110 мм сим.уст.), тахипноэ (дақиқада 24-28 та) каби клиник белгилар намоён бўлди. 9 беморда «кофе қуйқаси» кўринишда қайт этиш ва мелена аниқланган. Клиник-эндоскопик маълумотлар диагностик ва даволаш тактикасини аниқлашга асос бўлган.

103 нафар бемордан (асосий гуруҳ) 17 (16,5%) жабрланганда ГДҚК нинг клиник белгилари яширин ўтди. Бу беморларда нажас ва яширин қонга таҳлиллар бажарилган. Бу беморларда Грегерсеннинг бензидинли реакцияси (10 тасида) ва Вебер реакцияси 7 тасида ижобий натижаларни берган.

Яъни 103 бемордан 12 (11,65%) кишида Ошқозон ичакдан қон кетишнинг яққол белгилари ва 17 тасида (16,5%) – яширин қон кетишлар, жами 103 кишидан – 29 марта Ошқозон ичакдан қон кетиш – 28,15% бўлган.

Асосий гуруҳнинг 103 беморларида оғир куйиш жароҳати билан стационарга келтирилганда ЭГДФС маълумотларига кўра эрозив-ярали ўзгаришлар 53,8% ҳолатларда аниқланган (91 дан 49 беморда), булардан 28,4% ҳолатларда ошқозоннинг ўткир яраси ва 25,4% ҳолатларда ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак ўткир яралари аниқланган. Аммо протонли насос ингибиторлари профилактик қўлланилганда бу зарарланишлар фақат 28,15% ҳолатларда ГДҚК билан оғирлашган.

Шундай қилиб, ОИТнинг эрозив-ялари зарарланишлари ва шу жумладан ГДҚК билан асоратлар ривожланиш хавфи умумий куйиш майдони катталашини ва айниқса 30% т.ю. дан зиёд бўлиши билан ошиб борган. Шундан хулоса қилиш мумкинки, куйиш майдони 30% дан зиёд бўлган беморлар стационарга келтирилганда ЭГДФСни бажариш шарт бўлиб, бунда ОИТнинг эрозив-яралари зарарланишларини ўз вақтида аниқлаш, даволашни бошлаш ва ГДҚК профилактикасини қилишга имкон берган.

103 нафар бемордан 3 таси (2,9%) вафот этган, яъни назорат гуруҳидаги жабрланганлардан 2 марта (7,92%) кам. Асосий гуруҳда стационарда даволаниш давомийлиги  $30,3 \pm 1,0$  кунни ташкил қилган.

ИЕС ичакнинг ҳазм қилиш, транспортли ва барьер функциялари бузилишлари билан ажралиб турган. ИЕСнинг кечки босқичларида ичак деворининг эндотоксин ва бактериялар транслокацияси учун ўтказувчанлиги ўзгариши – тизимли инфекция, сепсис ва кенг куйишлар билан беморларда ПОЕ пайдо бўлишининг асосий сабабидир. ИЕС босқичлари 2-жадвалда келтирилган.

Қорин ичи босими жароҳатидан сўнг ҳар куни дастлабки етти кунлар мобайнида Kron J.L. et al. (1984) таклиф қилган билвосита усул билан ўлчанган. Тадқиқотлар ўтказилган вақт ичида асосий гуруҳнинг (103) 52 нафар текширилган беморларидан 37 нафар жабрланганларда қорин ичи гипертензияси, текширилган яна 3 нафар (5,76%) оғир куйганларда абдоминал компартмент-синдроми – (5,76%) аниқланган.

## 2-жадвал

### Текширилган беморларнинг даволаш натижалари

Беморлар гуруҳи	Беморлар сони		Қон кетиш		Ўлганлар	
	Шундан, яра	Ярадан қон кетиш	Яққол	Яширин	сон	%
Нazorat гуруҳ, n=101	41 (40,59%)	32 (78,04%)	29 (90,62%)	3 (9,38%)	8	7,92
Асосий гуруҳ, n=103	49 (47,57%)	29 (59,18%)	12 (41,37%)	17 (58,63%)	3	2,9

Абдоминал компартмент-синдроми билан 3 нафар беморларда қорин ичи босимини пасайтириш учун назоинтестинал интубация ва 200-400 мл физиологик эритма ва вазелин ёғи аралашмаси билан ичак лаважи бажарилган, бир вақтнинг ўзида куйиш шоки босқичида, жароҳатдан сўнг биринчи кундан вена ичига 1 мл 0,1% ли серотонин адипинати эритмасини бир кунда 1-2 марта қўлланилган.

**Ичак етишмовчилиги синдромининг босқичлари**

Босқичлар	Ўзига хос белгилар
I	Моторика бостирилиши, ичак деворида қон айланиши сақланган, сўрилишда бузилишлар йўқ, ичак парези
II	Моторика бостирилиши, ичак деворида қон айланишининг рефлектор ўзгаришлари, увеличение секреция кучайиши ва сўрилиш бостирилиши, суюқлик ва газ тўпланиши, ичак ичи босими кўтарилиши, томирлар ўтказувчанлиги ошиши, ОИТ проксимал қисми колонизацияси билан патоген микрофлора кўпайиши
III	Ичак ҳалқалари ҳаддан зиёд чўзилиши (суюқлик ва газ тўпланиши натижасида), МВБ кўтарилиши, тўқима гипоксияси чуқурлашиши, трансудация ва секрецияларнинг давом этадиган кучайиши, ҳазм бўлиш ва сўрилишлар бузилишлари, патоген микрофлора тизимли ва портал қон оқимларига тушиши

Ичакнинг мотор-эвакуатор функциясини тиклаш учун вена ичига 1% ли серотонин адипинати эритмасини юборишнинг самараси клиник белгилар бўйича баҳоланган. Қуйидаги симптомлар: якка-якка перистальтик шовқинлар пайдо бўлиши, перистальтика тикланиши, газлар чиқиши бошланиши, мустақил ич ўтиши ҳисобга олинган.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур, бу беморларда перистальтика пайдо бўлиши бевосита 1% ли серотонин адипинати эритмаси юборилган вақтда қайд этилди ва тугатилишидан сўнг ҳам давом этган. Мазкур «игна учида»ги таъсир серотонин адипинати препарати вегетатив асаб тизими синапсларини айланиб ўтиб бевосита ичакнинг силлиқ мускулларига стимулловчи таъсир этиши билан боғлиқ.

Дастлабки икки кунда беморлар ичакларида барқарор перистальтика, газлар чиқиши тикланган ва мустақил ич ўтиши пайдо бўлган.

Ишлаб чиқилган алгоритмни жорий этиш натижалари. Мазкур алгоритм РШТЎИМнинг Самарқанд филиалининг комбустиология бўлими шароитида 2015 дан 2019 йй. гача апробациядан ўтказилди. Бунда 103 нафар оғир куйишлар билан жабрланганлардан, назорат гуруҳининг беморлари билан, ошқозон-ичакдан қон кетиши фақат биттасида қайд этилган.

Шундай қилиб, фаол хирургик тактика ва комплекс медикаментоз-нутрицион кўмакни бирга қўллаш катта майдонли куйишлар билан жабрланганларда ошқозон-ичак қон кетишлари ривожланиши частотасини минимумга олиб келишга имкон беради.

**ХУЛОСАЛАР**

1. Ошқозон ичак трактининг эрозив-яралли зарарланишлари, шу жумладан асоратли гастродуоденал қон кетишларнинг ривожланиш хавфлари

куйиш умумий майдони катталашуви билан, айниқса тана юзасининг 30% дан ортиқ бўлганда ортади. Шу сабабли стационарга келтирилган беморларнинг танаси 30% дан ортиқ куйганда ЭГДСни ўтказиш зарур бўлади, бу ошқозон ичак трактидаги эрозив ва ярали зарарланишларни ўз вақтида аниқлаш, уларни даволаш ва гастродуоденал қон кетиш профилактикасини бошлашга имкон беради.

2. Чуқур куйишларни эрта жарроҳлик йўли билан даволаш гастродуоденал қон кетишларининг ривожланиш частотасини (24,65% дан) камайтиришга ва оғир термик шикастланган беморларда ўлим эҳтимолини (5,92 дан 2,9% гача) камайтиришга имкон беради.

3. Кенг куйган беморларнинг кўпчилигида куйиш шоки ва ўткир куйиш токсемияси босқичида ичак етишмовчилик синдроми ва қорин ичи босими кўпайиши қайд этилган. Қорин ичи босими кўтарилиши ва дисбактериоз натижасида ҳосил бўлган полиорган бузилишлар шаклланиши ва кўмак берувчи етакчи омил сифатида ичак етишмовчилик синдромининг интенсив терапиясига биз ошқозон ичак трактининг морфофункционал бузилишларини бартараф этишга қаратилган ва эрта энтерал озикланишга ўтишни назарда тутган терапевтик тадбирлар мажмуини кўшмоқдамиз.

4. Клиник амалиётда эрозив-ярали зарарланишни эрта жарроҳлик даволаш, мақсадли инфузион ва метаболик терапия, протон помпаси ингибиторларидан фойдаланиш шунингдек нутрицион кўмакни ўз ичига олган комплекс алгоритмли профилактикани қўллаш, оғир куйган беморларда аниқ гастродуоденал қон кетишлар частотаси 16,83 дан 2,91% гача ( $p = 0,001$ ) пасайишига олиб келди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc/PhD.04/30.12.2019. Tib.93.01 ПРИ  
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**ДАМИНОВ ФЕРУЗ АСАДУЛЛАЕВИЧ**

**ОПТИМИЗАЦИЯ ДИАГНОСТИКИ И ЛЕЧЕНИЯ  
ОСТРЫХ ЭРОЗИВНО-ЯЗВЕННЫХ ПОРАЖЕНИЙ ЖЕЛУДОЧНО-  
КИШЕЧНОГО ТРАКТА У ОБОЖЖЕННЫХ**

**14.00.27 – Хирургия**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**Бухара – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2020.2.PhD/Tib1060.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Карабаев Худойберди**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Хамдамов Бахтиёр Зарипович**  
доктор медицинских наук

**Шестопалов Сергей Степанович**  
доктор медицинских наук  
(Российская Федерация)

**Ведущая организация:**

**Андижанский государственный медицинский институт**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc/PhD.04/30.12.2019, Tib.93.01 при Бухарском государственном медицинском институте. Адрес: 200118, г.Бухара, улица А.Наваи, 1. Тел.: (+998 65) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru).)

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № \_\_\_\_). Адрес: 200118, г.Бухара, улица А.Наваи, 1. Тел.: (+998 65) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru).)

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года).

**А.Ш.Иноятов**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Д.Н.Ачилова**

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии (PhD) по медицинским наукам

**Н.А.Нуралиев**

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным Всемирной организации здравоохранения «...в общей структуре травматизма ожоги составляют - 7,8%. В последние годы отмечен значительный рост количества пострадавших с обширными глубокими ожогами, сочетанными с термоингаляционной травмой, отравлением продуктами горения, механической травмой и т.д...»<sup>1</sup>. Летальность при лечении ожоговых больных сохраняется на протяжении последних 5-7 лет на одном и том же уровне, составляя для реанимационных отделений 25,4-29,3%, а для ожоговых отделений 2,7-7%. Общая смертность у больных, лечившихся по поводу ожогов, по данным тех же авторов, составляет 4,4-10%. Одной из важнейших проблем считается раннее выявление поражения слизистой оболочки желудочно-кишечного тракта при ожогах, также использования ранних хирургических методов лечения в сочетании с традиционными функциональными методами.

В мировой практике особое внимание научных исследований уделяется клинко-диагностической основе изменений слизистой оболочки желудка при эрозивных язвах желудочно-кишечного тракта, вызванных ожогами, и оценка клинко-функциональных особенностей желудка у больных с эрозивной язвой желудка вследствие ожогов; ведутся исследования по разработке метода оценки процессов в слизистой оболочке желудочно-кишечного тракта у пациентов с помощью эндоскопических методов. Кроме того, важно усовершенствовать методы визуальной оценки слизистой оболочки при эрозивных язвах желудочно-кишечного тракта, выявить новые аспекты этиопатогенеза заболевания и сравнительно-диагностические особенности, а также разработать патогенетически ориентированные методы лечения.

В нашей стране принимаются комплексные меры по развитию медицинской отрасли, по приведению медицинских услуг в соответствие с мировыми стандартами, в том числе по снижению осложнений за счет ранней диагностики эрозивных язв слизистой оболочки желудка у пациентов с ожогами. В связи с этим «... профилактика здорового образа жизни за счет повышения эффективности, качества и ответственности медицинской помощи в нашей стране, а также формирования системы медицинской стандартизации, внедрения высокотехнологичных методов диагностики и лечения, создание эффективных моделей патронажно-диспансерной и профилактической работы ... »<sup>2</sup>. При выполнении этих задач целесообразно проводить исследования для диагностики изменений желудочно-кишечного тракта при ожогах и совершенствования эффективных схем лечения, а также уменьшения причин инвалидности и неблагоприятных последствий.

---

<sup>1</sup> Фаязов А.Д., Камиллов У.Р., Шукуров С.И., Абдуллаев У.Х. К проблеме лечения обожженных с комбинированными и сочетанными поражениями // Сб. научных трудов IV съезда комбустиологов России. Москва, 13-16 октября 2013 г. – с. 37-38.

<sup>2</sup> Хаджибаев А.М., Шукуров Б.И. Служба экстренной медицинской помощи в Республике Узбекистан: достижения и пути развития // Мат. IV съезда ассоциации врачей экстренной медицинской помощи Узбекистана. Ташкент, 2018. С. 3-5.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, в указе Президента Республики Узбекистан №УП-4985 «О мерах по дальнейшему совершенствованию экстренной медицинской помощи» от 16 марта 2017 года, в указе Президента Республики Узбекистан №УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, в указе УП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию оказания специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» от 20 июня 2017 года, а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

**Соответствие темы диссертации приоритетным направлениям научно-исследовательских работ в республике.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VI «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** Анализ литературы показывает, что данные о частоте возникновения острых эрозивно-язвенных поражений слизистой оболочки и связанных с ними осложнений противоречивы (Эргашев О.Н. и соавтор., 2012; Жилинский Е.В. и соавтор., 2014; Heidelbaugh J.J. et al., 2012).

Практически отсутствуют сведения о частоте возникновения эрозивно-язвенных поражений у пострадавших от ожогов в разные периоды ожоговой болезни (Спиридонова Т.Г., 2007). Сведения о визуальных и морфологических изменениях слизистой оболочки верхнего отдела желудочно-кишечного тракта у данной категории больных недостаточно, а динамика их развития не изучена (Вагнер Д.О. и соавтор., 2015). Так же, не изучена динамика кислотопродуцирующей функции, а данные по ощелачивающей функции желудка отсутствуют. Влияние кислотного фактора на возникновение патологических изменений слизистой оболочки и их осложнений многими авторами ставятся под сомнение (Булгаков С.А., 2012; Баринов Э.Ф. и соавтор., 2014). Учитывая вышеизложенное, считаем целесообразным проведение исследований в данном направлении.

В настоящее время нет единого мнения об уровне кислотности, позволяющем предотвратить развитие эрозивно-язвенного процесса у тяжелобольных. Некоторые авторы считают, что минимальное значение рН в теле и куполе желудка должно быть не ниже 4,0 до исчезновения факторов риска гастродуоденального кровотечения (Карабаев Х.К., 2010).

Влияние тактики хирургического лечения глубоких ожоговых ран на частоту развития гастродуоденального кровотечения практически неизвестно. И возникает вопрос, насколько информативны факторы риска доказанного кровотечения при сильных ожогах для пациентов с тяжелыми ожогами. Среди комбустиологов нет единого мнения о минимальной площади и глубине ожогов, приводящих к реальному риску повреждения желудка и двенадцатиперстной кишки, и аргументах в пользу их

профилактики (Темиров Ф.О., 2011).

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Самаркандского государственного медицинского института "Разработка передовых технологий профилактики, диагностики и лечения инфекционных и неинфекционных заболеваний организма человека" № 012000260.

**Целью настоящего исследования** явилось совершенствование диагностики и лечения, острых эрозивно-язвенных поражений желудочно-кишечного тракта у пациентов с тяжелыми ожогами и разработка предложений и рекомендаций по комплексному алгоритму профилактики.

**Задачи исследования.**

